



ТОМОРҚА ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЎСИМЛИК ШИРА ТУРЛАРИ

Дунёда 4700 га яқин шира турлари (*Insecta: Homoptera: Aphididae*) учрайди. Халқ орасида ўсимлик битлари номи билан машҳур бўлиб, ўсимликларнинг флоэма суюқлигини сўрувчи кичик ўлчамдаги (узунлиги 0,7 дан 7,0 мм гача) ҳашаротлар гуруҳини ташкил қилади.



Ер юзида 1000 га яқин тур экинларга зарар етказади. Литокоз партеногенетик (*мажбурий партеногенез, бунда она авлодлари фақат ургочи авлодларни тугади*), насл бериш муддати қисқа, ўртача 10 кун.

Шираларнинг кўп турлари жинсий ва асексуал авлодларнинг алмашиниши ва ўсимликларнинг ўзаро алмашиниши билан мураккаб ҳаёт цикллари намойиш этади. Шира экинларнинг зараркунандаси бўлсада, улар бир қатор паразитоидлар, йиртқичлар ва бошқа кўплаб ҳашаротлар, шунингдек қушлар учун жуда муҳим озиқ-овқат манбаидир.

Ўсимлик битлари Ўзбекистоннинг томорқа ва деҳқон хўжалиги экинларида учрайдиган зараркунанда ҳисобланади. Об-ҳаво ҳарорати ушбу зараркунанда учун қулай келган йиллари катта иқтисодий зарар етказиши кузатилади.



Томорқа хўжалигларида бир нечта турдаги ўсимлик битлари учраб зарар етказади. Жумладан, катта ғўза бити (*Acyrtosiphon gossypii Mordv.*), олма яшил бити (*Aphis pomi Deg.*) ва карам бити



(Brevicoryne brassicae L.) турлари кенг тарқалади. Ушбу зараркунандалар дуккакли экинлар, сабзавотлар ва мевали дарахтларни кенг зарарлайди.

Мақола муаллифи

Расул Жумаев

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор